**2 ЖАРАЁН**
Ричард ГЛАУБ: «Мен ўзбекларнинг тўй-ҳашамларида кўп бор иштирок этганман. Бу маросимларнинг асл моҳиятига разм солсангиз, уларнинг маънавий-ахлоқий қарашларга йўғрилгани яққол намоён бўлади».

**4 ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ**
Фонд грантлари таҳририятларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш билан бирга журналист кадрларнинг ихтисослашувига ҳам ёрдам бермоқда.

**11 ПАРЛАМЕНТ ВАҚТИ**
Фуқаролик жамиятида аҳолининг ҳаёти ва фаолиятига дахлдор бўлган барча муносабатлар тегишли қонунлар билан тартибга солиниши лозим.

**13 ОГОҲЛИК**
Ўз муддаоларини турли важ-карсонлар билан хаспўшловчи хорижий «ҳомий»ларнинг асл ниятини билиб қўймоқ ва шунга қараб «тўн бичмоқ» керак бўлади.


КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131

# ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Газетанинг чакана савдода белгиланган нархи — 190 сўм

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2006 йил 27 октябрь № 6 (6)


Халқаро анжуман

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ОМИЛЛАР, АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАР

*Кеча пойтахтимизнинг «Марказий» меҳмонхонасида «Марказий Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти асослари шаклланишида Ислом омили, анъана ва урф-одатларнинг роли ва аҳамияти» мавзуида халқаро анжуман ўз ишини бошлади.*









ФУҚАРОЛИК жамиятини ўрганиш институти Ўзбекистондаги АҚШ Миллий демократик институти ва Фридрих Эберт жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Тошкент Ислом университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти экспертлари ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Индонезия, Япония, Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Малайзия ва бошқа мамлакатлар мутахассислари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбирнинг асосий мақсади — минтақадаги мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида жамиятни демократлаштириш ва либераллаштиришга бўлган муносабатларни ўзаро уйғунлаштиришдан иборат.

(Давоми 2-саҳифада)

## ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

20 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2006 йилнинг 9 ойи мобайнида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ҳар томонлама муҳокама қилинди, жорий йил прогноз параметрларига эришишни таъминлаш ва 2007 йилда иқтисодиётнинг жадал ривожланиши учун мустаҳкам замин яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Тошкентда 20 октябрь куни «Нефть, газ ва газ конденсати конларидан фойдаланиш ва бу борадаги муаммолар» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

24 октябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 октябрда «Ўзэкспомарказ» павильонларида давом этаётган «Uzbekistan Agrominitech Expo — 2006» қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазмасига ташриф буюрди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов мамлакатимизга ташриф буюрган Александр Вешняков раҳбарлигидаги Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси делегацияси билан 25 октябрда учрашди.

Берлиндаги Макс Планк номидаги Фан тарихи илмий институтида Хоразм Маъмун Академияси 1000 йиллигига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда Германиянинг етакчи шарқшунос олимлари, тарихчилар, илмий, сиёсий доиралари, жамоатчилик ва мамлакатдаги хорижий дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ:

# ОМИЛЛАР, АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАР

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

БУГУНГИ кунда Марказий Осиёда табиий заҳиралари таъсир кўрсатмоқда. Ушбу жараёнлар ҳар бир жамият ва давлатнинг минга бой, аҳолиси кўп ва иқтисодий жиҳатдан бақувват айрим ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг геосиёсий фаоллиги ошиши кузатилмоқда.

**Ричард ГЛАУБ,**
**АҚШ Миллий демократик институтининг Ўзбекистондаги вакили:**

— МЕН Ўзбекистонда тўрт йилдан бери яшайман. Бу ерда фуқаролик жамияти ривожига асос бўладиган кучли ва мустаҳкам ижтимоий институт — Маҳалла барча расм-русумлари, анъана ва удумлари билан ривожланганки, бундай ҳолатни дунё ҳамжамиятида камдан-кам кузатасиз. Тошкентдаги маҳаллалардан бирида яшаганим сабабли ўзбекларнинг тўй-ҳашамларида кўп бор иштирок этганман. Уларнинг асл моҳиятига разм солсангиз, маънавий-ахлоқий қарашларга йўғрилгани яққол намоён бўлади. Бу — фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис мен ўзбекларнинг анъаналарини ижобий баҳолайман.

Шундай бир пайтда асосий мақсади нафақат минтақанинг, балки бутун дунёнинг сиёсий-иқтисодий кучлари мувозанатини ўз томонига оғдирмоқчи бўлаётган турли террорчи-экстремистик ва радикал диний гуруҳларнинг ижтимоий-сиёсий вазиятга таъсири ошиши минтақа хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда.

Жамиятдаги ислоҳотларнинг асосий қоидаларидан бири шундан иборатки, демократик ўзгаришлар амалга оширилиши кишиларнинг нафақат ижтимоий-сиёсий, шу билан биргаликда маънавий-ахлоқий, замонавий дунёқарашига ҳамда руҳиятига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

**Нирмила ЖОШИ,**
**профессор, Ҳиндистон:**

— ФУҚАРОЛИК жамияти қуришда Ислом омили катта аҳамиятга эга. Чунки у тарихий бой илдизлари билан Марказий Осиё халқлари маънавиятининг бир қисмини ташкил этади. Лекин бу замин ислом динигача ҳам шаклланган бой тарихий анъаналарга, удумларга эга бўлган. Шу боис фуқаролик жамиятини қуриш жараёнига фақат диний омиллар эмас, балки замонавий анъаналар, дунёнинг илғор тажрибалари ҳам ҳисобга олинса мақсадга мувофиқ бўлади.

талетети, миллий хусусиятлари, тарихий қадриятлари ва анъаналари эътиборга олинган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган экан, бундай ривожланиш жараёнида нафақат демократия ва эркинликнинг умумэътироф этилган асосларидан, балки шу билан бир қаторда ўзбек халқининг миллий ва маънавий қадриятларидан, ҳуқуқ ҳамда манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилмоқда.

Ислом нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда миллионлаб одамларнинг ижтимоий-сиёсий, маиший ва маънавий ҳаётининг турли жабҳаларига жиддий таъсир кўрсатиб келмоқда. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган исломнинг маънавий ва ахлоқий қадриятларини билиш нафақат минтақа халқларининг маданий-тарихий нуқтаи назардан ўзлигини англашга, балки шу билан бир қаторда жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, инсонларнинг бир-бирини эъзозлашига хизмат қилади.

Айнан Марказий Осиё халқлари, уларнинг маданияти ва анъаналари ислом динини маърифий даражага кўтаришга хизмат қилди. Шу билан бир қаторда бугунги кунда диний маърифат ва ислом қоидаларини тушуниш ва уларга тўғри талқин бериш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Дунё миқиёсидаги айрим қора кучларнинг марказлари, ўзларини ҳуқуқ ҳимоячиси, деб эълон қилган шахслар, шунингдек, баъзи журналистлар томонидан динга «эътиқод қилувчи»ларни ҳимоя қилиш, дин ниқоби остида давлатга таъсир қилишга уринаётган ва сўз эркинлиги «демократия» талаблари даражасида эмас, деб жар солаётган кимсалар билан очиқ мулоқотга киришиш вақти келди.

**Тецуи ТАНАКА,**
**Ўрта Осиё ва Кавказ минтақавий илмий-тадқиқот институти ижрочи директори:**

— ФУҚАРОЛИК жамияти тараққиётига маҳалла ҳамиша ҳисса қушиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ўзбекистонда замонавий фуқаролик жамияти барпо этиш учун маҳаллаларни янада такомиллаштириш лозим,деб ҳисоблайман. Чунки маҳалла аҳолининг жуда катта қисмини ўзида жамлаган.У ҳатто советлар тузуми даврида ҳам Ўзбекистоннинг анъанавий маданияти ва ислом анъаналарининг сақланиб қолишида катта роль ўйнаган. Мустақиллик йилларида эса жамиятнинг барқарор ривожланишида, шунингдек, Ўзбекистонда диний экстремизм ғоялари тарқалиб кетмаслигида муҳим ўрин тутди.

Марказий Осиё давлатлари халқларининг кўп асрлик ўзини ўзи бошқариш анъаналари ҳамда маданиятини акс эттирувчи шарқона демократияни ривожлантириш йўлида тўплаган илғор тажрибаларининг халқаро андозалар билан уйғунлиги минтақа мамлакатларидаги замонавий демократия жараёнларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ғарбона андозаларни зўрама-зўраки тиқиштириш, демократлаштириш жараёнларини сунъий равишда тезлаштиришга уриниш салбий оқибатларга олиб келади. Зотан, фуқаролар, динлар ва маданиятлар ўртасидаги мустаҳкам алоқаларни самимий ҳамкорлик ёрдамида кучайтириш минтақавий барқарорликни таъминлашнинг асосий усулидир.

Анжуман иштирокчилари ўз маърузаларида давлат ва жамият қурилиши жараёнларига демократик янгиланиш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этишга, тарихан шаклланиб келган анъаналар, урф-одатлар, маънавий ва ахлоқий мезонлар таъсирини намоён этувчи; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, маҳалланинг демократик жараёнлар ривожлантиришдаги роли ва аҳамияти; минтақа мамлакатлари тарихий ва замонавий эволюциясининг хусусиятларидан келиб чиқиб, «фуқаролик жамияти» тушунчаларини ойдинлаштириш; демократик ислоҳотлар ўтказилаётган минтақа миллатлараро ва динлараро мувозанатни сақлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Халқаро анжуман бугун ўз ишини давом эттирмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

---

**Семинар**

***Бугун Республика «Оила»илмий-амалий марказида Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси ташаббуси билан «Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни: қонуний кафолатлар ва уларнинг амалиётда қўлланилиши» мавзуида семинар бошланди.***

# АЁЛНИ УЛУҒЛАГАН ЖАМИЯТ МУКАММАЛДИР

**Муниса НУРМАТОВА**

УНДА Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ФМДП аъзолари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоят, туман Кенгашлари фаоллари, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг вакиллари, Республика «Оила» илмий-амалий маркази ва унинг бўлимлари раҳбарлари, Оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Хотин-қизлар ҳуқуқига доир қонунчилигимизнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бўлиши давлатимиз ижтимоий-сиёсий ислоҳотларининг энг устувор йўналишларидан биридир. Юртимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, изланувчан, билимдон ва ўз касбкорининг устаси бўлган аёлларнинг давлат бошқарувидаги муҳим вазифаларни эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар ҳуқуқига доир моддалар миллий қонунчилигимизда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда белгилаб олинган бўлса-да, уларнинг амалда тўлиқ таъминланиши борасида муаммолар мавжуд. Илмий-амалий семинарда эътибор айни шу масалага қаратилади.

Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси қошида «Фидокор аёл» қаноти ташкил этилган бўлиб, унда, энг аввало, партияга хайрихоҳ ватанпарвар, фидойи, зиёли аёллар кенг халқ оммаси орасида жамиятда ҳуқуқий саводхонликни, хотин-қизларнинг маънавий салоҳиятини ошириш, жамиятни демократлаштириш аҳамиятини тушунтириш ишлари билан шуғулланиб келмоқда. Бундай тарғибот ва ташвиқот ишлари, биринчи навбатда, партия сафига энг фаол ва фидокор аёлларни қўшиш, уларни мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга тўлақонли иштирокини таъминлашга қаратилгандир.

Яқинда мамлакатимиз Олий Мажлиси палаталарида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Хотин-қизлар камситилишининг барча кўринишларининг олдини олиш бўйича Конвенция»си муҳокама этилди. Бу ҳужжатни Ўзбекистон 1995 йилдаёқ ратификация қилган ва унинг моддаларини миллатимиз манфаатлари нуқтаи назаридан собитлик билан бажариб келмоқда. Партия аъзоси бўлган фаол аёллар ушбу ҳужжат муҳокамасида фаол қатнашиб, ўзларининг қатор тавсияларини «Фидокорлар» партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясига, республика Хотин-қизлар қўмитасига ҳавола этдилар. Ундаги асосий ғоя — аввало, мамлакатимизда хотин-қизларнинг нафақат жамиятда, балки оиладаги беназир ўринларини ошириш, қолаверса, барча қабул қилинажак қарорлар ва қонунларда халқимизнинг миллий урф-одатлари, ноёб анъаналари, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини асровчи ва авлодларга етказишни таъминловчи йўриқлар бўлишини таъминлашдир.

Анжуман иштирокчилари жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг демократик жамиятни шакллантиришдаги фаоллигини ошириш, аёлларнинг мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларини атрофлича муҳокама этадилар.

*Бундан уч йил муқаддам таъсис этилган "Планета" халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ўз олдига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан тежамли фойдаланиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга доир турли тадбирларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган. Одамларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамият ҳар бир аъзосининг ўзига муносиб шароитларда яшашига кўмаклашиш, шунингдек, турли миллатлар орасида ўзаро тотувлик ва дўстликни тарғиб этиш ҳам унинг вазифалари доирасига киради.*

# "ПЛАНЕТА" САЙЁРАМИЗНИ БИРГАЛИКДА АСРАШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Беҳзод ҲОТАМОВ,**
**«Жамият» мухбири**

ЎТГАН қисқа вақт ичида ташкилот кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда она табиат муҳофаси, табиий ва фавқулодда техноген вазиятларни ўрганиш, аҳолининг моддий жиҳатдан кам таъминланган қатламларига ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, умумтаълим ва хайрия тадбирлари уюштириш бўйича кенг фаолият олиб бормоқда.

Хўш, мазкур нодавлат ва нотижорат ташкилот фаолияти кимлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва истиқболда қандай режалар ҳаётга татбиқ этилади?

— Эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш юзасидан мамлакатнинг кўпгина нуфузли ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқдамиз, — дейди "Планета" халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти президенти Исмоил Қаландаров. — Улар сафида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ҳаво ва атроф муҳит тозалигини назорат қилувчи муассасалар, Гидрометеорология хизмати, "Гидролойиҳа" ОАЖ, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Атмосфера", Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти ва бошқа ташкилотлар бор.

"Планетани биргаликда асраймиз!" — ташкилотнинг асосий шиоридир. У Ўзбекистонни халқаро ҳамжамиятда намоён этувчи нуфузли ташкилот даражасига кўтарилишга ҳаракат қилмоқда. Келгусида мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси шунингдек, Москва ва Нижний Новгородда ҳам ўз ваколатхоналарини очишни кўзда тутмоқда. Ўнлаб олий ўқув юртлари, Тошкентдаги лицей ва коллежларда ташкилотнинг "Планета" ёшлар қаноти ҳам тузилган. Ўз сафига мингдан ортиқ ўқувчи-ёшларни бирлаштирган бу ташкилот талабалар ва ўқувчилар орасида йирик ҳаракатга айланмоқда.

Ҳозирги пайтда зарарли кимёвий моддаларнинг атроф-муҳитга чиқариб ташланишининг олдини олиш ҳамда хавфсиз иш шароитларини яратишни назорат қилиш мақсадида завод ва фабрикалар ҳамда шифохоналарда ҳам "Планета" ваколатхоналари ташкил этилмоқда.

2003 йили Юнусобод ва Бектемир туманлари ўқувчилари учун армия сафига чақирилувчиларни бошланғич ҳарбий тайёргарликдан ўтказишга кўмаклашувчи спорт секцияси очилди. Айни кунларда "Планета" ХННТ ташаббуси билан ташкилот ўз олдига қўйган мақсадларни рўёбга чиқарувчи олти йўналиш бўйича лойиҳалар тайёрланмоқда. Булар қуйидаги лойиҳалардир:

— "Сарез кўлининг очилиб кетиш хавфини камайтириш" бўйича лойиҳа мамлакатимиздаги етакчи ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида ишлаб чиқилмоқда;

— Тошкент шаҳри ва вилояти ёшлари орасида СПИДнинг олдини олиш тадбирлари. У Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилмоқда;

— Қизилқумнинг сув танқис бўлган аҳоли яшаш жойларида кичик суғориш тизимларини жорий этиш. Бу лойиҳа Тошкент аграр университети билан биргаликда ишланмоқда;

— Тошкент шаҳрида автомобиль транспортидан ҳавога чиқарилаётган зарарли тутунларни камайтириш. Лойиҳа Тошкент автомобил йўллари институти билан ҳамкорликда тайёрланмоқда;

— Қишлоқ туманларидаги уй-жой хўжаликларида экологик жиҳатдан тоза энергетика ускуналарини ўрнатиш. Лойиҳа Тошкент техника университети билан ҳамкорликда тайёрланмоқда;

— Тошкент вилоятида иқтидорли ўқувчиларни хорижлик мутахассислар томонидан халқаро олимпиадаларга тайёрловчи ёзги илмий мактаб фаолиятини йўлга қўйиш.

**ҲОЗИРГИ ПАЙТДА ЗАРАРЛИ КИМЁВИЙ МОДДАЛАРНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА ЧИҚАРИБ ТАШЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА ХАВФСИЗ ИШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЗАВОД ВА ФАБРИКАЛАР ҲАМДА ШИФОХОНАЛАРДА ҲАМ "ПЛАНЕТА" ВАКИЛЛИКЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.**

Яқинда ушбу халқаро ташкилот "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида Сарез кўли муаммоларига бағишланган дастлабки матбуот анжуманини ўтказди. "Планета" ХННТ ташаббуси билан республика ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометерология маркази, "Гидролойиҳа" ОАЖ ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтган анжуманда Ўзбекистон Бош гидрометерология хизматининг илмий ходими Николай Горелькин Сарез кўли муаммоларининг гидрогеологик жиҳатлари хусусида сўз юритди.

Маълумки, Сарез кўли Помирнинг Тоғли Бадахшон автоном вилояти ҳудудидаги юксак тоғлар бағрида жойлашган. 1911 йил 19 дан 20 февралга ўтар кечаси собиқ Усой қишлоғида бўлган кучли зилзила туфайли Мурғоб водийси ёнбағирларида мисли кўрилмаган даражада тоғнинг ўпирилиб-кўчиши рўй берган. Кўчки Мурғоб дарёсини бутунлай тўсиб қўйиши натижасида жаҳонда энг йирик тоғ кўли ҳосил бўлган. Помирнинг марказий қисмида жойлашган Сарез кўлида ҳозир 17 куб километр сув йиғилган. Маълумотларга кўра, кўлнинг дарё, сел сувларига тўлиши ва улкан миқдордаги обиҳаёт тўксон беш йил аввал кўчки туфайли ҳосил бўлган тош-тупроқ тўғоннинг у ер-бу еридан сизиб чиқиши натижасида атрофда бошқа кўллар ҳам ҳосил бўлаётир.

Николай Горелкин сув омборлари хавфсизлиги бўйича гидрогеолог муҳандисдир. У Ўзбекистон бош гидрометерология хизматининг илмий ходими сифатида 1998 йили Ўзбекистон томонидан Сарез кўлига юборилган махсус экспедициянинг аъзоси бўлган. Сафар давомида тўғон ва унинг атрофидаги бир неча жойда махсус ускуналар ўрнатиб лаборатория тадқиқотлари олиб боришган. Тўғонда ҳосил бўлаётган хавфли ёриқлар жиддий кузатилган.

Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, тоғларда шу сингари турли табиий жараёнлар, зилзилалар туфайли ҳосил бўлган катта-кичик кўллар беҳисоб. Уларнинг очилиб кетиш ҳоллари ҳам рўй бериб туради. Бундан бир неча йил муқаддам Шоҳимардонсойда ҳосил бўлган шундай кичик кўлчанинг очилиб кетиши қандай фожиаларга олиб келгани ҳаммаинг ёдида. Сарез кўли эса жойлашган ўрни ва унда йиғилган сув миқдорига кўра бир неча бор катта бўлиб, у Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган шаҳарлар ва беш миллиондан ортиқ аҳолининг хавфсизлигига таҳдид солади. Чунки муттасил равишда текшириш олиб борилаётган Сарез кўлининг гидромелиоратив ҳолатида сўнгги ўн йилдан буён барқарорлик сезилмаяпти.

Шу муносабат билан "Планета" халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти жалб этилган мутахассислар иштирокида хавфни бартараф этишнинг тезкор лойиҳаларини яратишга доир иккита ғояни илгари сурмоқда.

Сарез кўли табиий тўғони очилиб кетишига таҳдид солувчи хавфни камайтириш бўйича ташаббус гуруҳи тайёрлаётган лойиҳа раҳбари Сергей Жигарев матбуот анжуманида берган маълумотларга кўра, мавжуд хавфни бартараф этиш учун саъй-ҳаракатни тезда бошламоқ зарур. Бу борада биринчи ғоя сув юзасида сузиб юриб ишловчи насос станцияларини қуриб, кўлдаги обиҳаётни улкан қувурлар орқали тўғон ортидаги дарёга оқизишдир. Бу усулнинг қулайлиги шундаки, агар улкан қувурлардан сув чиқаётган жойда кичик гидроэнергетика ускуналари ўрнатилса, насосларнинг ишлаши учун зарур электр қувватини шунинг ўзидан олиш мумкин. Бунда узоқ жойлардан электр симларини тортиб келишга ҳожат қолмайди. Фақат насосларни бир ишлатиб юбориш учун дастлабки электр қувватини шу жойда дизел двигателларини ўрнатиб олиш мумкин.

Шундай қилинса, кўлдаги сув сатҳини хавф туғдирмайдиган даражагача пасайтириш имконияти бор.

Иккинчи ғоя Сарез кўли ён атрофидан туннеллар қуриб, унинг сувини оқизишдан иборат. Бу режанинг бир мураккаб жиҳати шундаки, туннел қазиш учун тоғларнинг баъзи жойларини портлатишга тўғри келади. Бу эса ниҳоятда хавфли. Ҳозирги мавжуд табиий тўғоннинг ўз-ўзидан очилиб ёки силжиб кетишига олиб келиши мумкин.

Бинобарин, бу борада билдирилган таклиф-мулоҳазалар атрофлича муҳокама қилинди.

*Давлат ва жамият тараққиётини белгилайдиган мезонлар кўп. Ана шу мезонлардан бири оилага муносабатдир. Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган нодавлат-нотижорат ташкилоти — "Мадад" оилани ижтимоий ҳимоялаш маркази томонидан бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.*

**ТАНИШИНГ:**

# «МАДАД» ОИЛАНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МАРКАЗИ

**Зарифжон КОМИЛОВ**

— БУГУН мамлакатимизда оила, оналар ва аёллар муҳофазаси ва бахт-саодатига хизмат қиладиган бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда, — дейди "Мадад"оилани ижтимоий ҳимоялаш маркази директори З. Кенжаева. — Жумладан, Ўзбекистон Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур Фармон доирасида ташкил этилган марказимиз Бухоро шаҳридаги кам таъминланган оилалар аъзоларига замонавий касб-ҳунарни ўргатиш, уларнинг малакасини ошириш, жамоатчилик асосида руҳшунос, ҳуқуқшунос, "Ишонч" телефон хизмати, саломатликни тиклаш каби хизмат турлари бўйича бепул хизмат кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, марказ қисқа вақт мобайнида шаҳардаги ижтимоий муҳтож оилалар билан яқиндан танишди ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишларни амалга оширди. Марказнинг ўз низомида кўрсатилган қатор тадбирларни муваффақиятли амалга ошираётганини 2005 йил декабрь ойида нодавлат Нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан ташкил этилган танловда ғолибликни қўлга киритгани ҳам кўрсатиб турибди. Унда марказнинг "Кам таъминланган оилалар болаларини, қизлар ва аёлларни оилавий ҳаётга маънавий, жисмоний, тиббий, психологик ва касбий тайёрлаш тўрт ойлик махсус ўқув тарбия курсларини ташкил этиш" лойиҳаси юқори баҳоланди.

Ҳозирда марказ ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги хотин-қизларни тикувчилик, зардўзлик, пазандалик касбларини бўйича ўқитиш, ўз навбатида оила мустаҳкамлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Марказ Хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар меҳнат бўлими ҳамда халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган.

# ГРАНТ СОҲИБЛАРИ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАН БОРМОҚДА

***Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатда ахборот ва телекоммуникация соҳасида катта ўзгаришларга йўл очилди. Жумладан, ахборот соҳасини жадал ва эркин ривожлантириш учун зарур қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Бу эса ўз навбатида оммавий ахборот воситаларида туб ўзгаришлар бўлишини талаб эта бошлади. Газета ва журналлар сони кўпайгани сайин уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали журналистларга бўлган эҳтиёж, ходимлар маҳоратини ошириш каби масалалар ҳам муҳим аҳамият касб этди.***

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Жамият» мухбири**

*БУГУНГИ кунга келиб мамлакатимизда 700 дан зиёд газета, 200 га яқин журнал, 50 дан зиёд нашриёт, 4 та ахборот агентлиги фаолият кўрсатмоқда. Газеталарнинг баъзилари хилма-хиллиги, кўтараётган мавзулар кўламининг ранг-баранглиги билан мухлисларини аллақачон топиб улгурган бўлса, айримлари обуна эвазига аранг кун кечираётгани ҳам бор гап.*

*Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил топганига эндигина бир йил тўлаётган бўлса-да, ўз вазифасидан келиб чиқиб, бир қатор хайрли ва ОАВлар учун керакли тадбирларни амалга оширди. Фонд, хусусан, грант танловлари ўтказиб, республикамизнинг қатор марказий нашрлари ва мустақил газеталарини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Грантга сазовор бўлган оммавий ахборот воситалари ундан қандай фойдаланаяпти, грант маблағлари газета учун самара бераяптими? Бу каби саволларга жавоб олиш учун таҳририятларнинг бош муҳаррирлари ва лойиҳа учун масъул кишилар билан учрашдик.*




**Ҳалим САИДОВ, «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталари бош муҳаррири:**

— Аввалимбор, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан сўнгги пайтларда амалга оширилаётган қатор ижобий ишларни эътироф этиб ўтмоқчи эдим. Жумладан, Фонд кўмагидаги бир неча номдаги лойиҳалар ва танловлар таҳририятларнинг иқтисодий аҳволини ривожлантиришга ҳисса қўшаётгани билан бир қаторда, журналистларимизнинг ихтисослашувларига ёрдам бермоқда. Бу эса бугунги кундаги замонавий оммавий ахборот воситаларидан, шу билан бирга, журналистлардан талаб қилинаётган асосий масалалардан биридир.

**ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ НИМА? БУЛАРНИ, АВВАЛО, ТАҲРИРИЯТДАГИ ХОДИМЛАР ТЎҒРИ ТУШУНМОҒИ ЗАРУР.**

Газетамиз таҳририяти айни пайтда Фонднинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» доирасида амалга оширилаётган дастурларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси асосида шу йил апрель ойидан бошлаб иш олиб бораяпти. Лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган режага мувофиқ «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури асосида мамлакатимизда бажарилаётган вазифалар тарғиботи юзасидан ишларимиз маълум маънода жонланди. Ҳар икки газетада мавзуга оид махсус рукнлар ташкил этилди. Мавзулар кўлами кенгайиб, мазмунан бойиди. Грант маблағи билан таҳририятга компьютер ажратилди. Шунингдек, лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган Икром Бўрибоев (лойиҳа раҳбари), Назира Тошпўлатова ва Наргис Қосимова каби ижодий ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга Фонд маблағи ҳисобидан қўшимча иш ҳақи белгиланган. Демак, бу маблағлар нафақат маънавий юксалишга, балки таҳририят ва унинг айрим ходимларини моддий рағбатлантиришга ҳам ҳисса қўшмоқда.

**«ТУРКИСТОН»ГА ОБУНА БЎЛМАГАН МУШТАРИЙЛАР ЭНДИ ГАЗЕТАНИНГ ИНТЕРНЕТ САЙТИ ОРҚАЛИ ЎЗЛАРИГА КЕРАКЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЛИШАЯПТИ.**

Фонд гранти асосида таҳририятда интернет сайти — www.ma'rifat.uz яратилди ва лойиҳа учун махсус бўлим ажратилган. Сайт айни пайтда мунтазам ишлаб турибди. Бу эса муштарийлар доирасини кенгайтириши, табиий.

**Чори ЛАТИПОВ, «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири:**

— Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг тузилганлиги матбуот ходимларининг кўп йиллик орзуси бўлди, десам адашмаган бўламан. Мазкур Фонд тузилгач, кўп ўтмай аниқ натижалар бера бошлади. Айниқса, моддий қўллаб-қувватлаш яққол кўринди. Бизнинг таҳририятимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини амалга ошириш жараёни мониторинги» лойиҳаси бўйича грантни ютиб чиқди. Ўйлаб қарасангиз, бу жуда узоқ атама. Лекин ҳар бир сўзда анчайин меҳнат ётади. Бинобарин, бу жараённи англаб етиш керак. Демократлаштириш, янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш нима? Буларни, аввало, таҳририятдаги ходимлар тўғри тушунмоғи зарур. Негаки, жамиятимиз ҳозир янгиланиш, демократлаштириш йўлидан бораяпти. Демократияни ислоҳ қилишнинг битта тизими эса маҳалла ҳисобланади. Маҳалла ўрни келганда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи ҳамдир.

Грант асосида моддий-техника базамизни мустаҳкамладик. Натижада газетамизнинг веб-сайти очилди. У интернет нашрлари ичида қисқа муддатда ўзининг мухлисларига эга бўлди. Таҳририятимиз ходимлари газетамиз саҳифаларида халқ манфаатини кўзлаб қилинган, яъни жамиятни ислоҳ қилиш, демократлаштиришга ва мамлакатни модернизация қилишга қаратилган қарор ва фармонларни шарҳлаб қолмасдан, балки амалда қандай бўлаётганини кўрсатишга ҳаракат қилаяпти.

Грант маблағи бизга катта мадад бўлди. Энг муҳими, кўзлаб юрган ишларимизни бошлаб юбордик. Шу нуқтаи назардан мен Фонднинг ишини жуда қўллаб-қувватлайман. Чунки матбуотга худди шундай ёрдам керак эди.

**Тошпўлат ХОЛИҚОВ, «Туркистон» газетаси, лойиҳа бўйича масъул:**

— Таҳририятимиз «Ёшлар сиёсатини ҳаётга татбиқ қилиш ва такомиллаштириш» лойиҳаси бўйича шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг грантига сазовор бўлди. Унинг бизга берган биринчи самараси шу бўлдики, газетамизнинг интернетдаги www.turkiston.uz саҳифаси очилди. Веб-сайтимизда газетамизда бериб бориладиган барча мақолалар ўз ўрнини топган. Бугунги кунда ахборот асрида яшаётган эканмиз, тезкорлик ҳамда барчага бирдай ва бир хилда

етиб бориш имконияти юқори ўринда туради. Хусусан, «Туркистон»га обуна бўлмаган муштарийлар энди интернет сайтимиз орқали ўзларига керакли маълумотларни олишаяпти. Бевосита ёшлар нашри бўлгани сабабли таҳририятида ёшлар сиёсатини амалга ошириш борасида ватанпарварлик тарбияси, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳвандлик, терроризм, ОИТС каби иллатларга қарши курашиш ва шу сингари йўналишларни белгилаб олганмиз.

**Нуриддин ИСМОИЛОВ, «Ҳордиқ-плюс» газетаси бош муҳаррири:**

— Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «Ишсизлик, ишчи кучининг ноқонуний миграцияси ва инсонлар траффиги муаммолари» лойиҳаси бўйича жорий йилнинг март ойида бизнинг таҳририят фаолиятини грантга муносиб кўрганидан жуда хурсанд бўлдик. Грант натижасида компьютер билан таъминландик, газетамизнинг www.hordiq-plus.uz номли веб-сайтини очдик. Энг асосийси, лойиҳа бўйича мавзуларимиз қамрови кенгайди. Деярли ҳар бир сонда мавзу асосида мақолалар бериб бораяпмиз. Лойиҳа бўйича ишлаётган ходимларимиз тегишлича рағбатлантирилмоқда. Нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида миграциянинг аҳволи тўғрисида материаллар бериб бораётган ходимларимизнинг маҳорати ҳам ошмоқда.

**Меҳринисо ҚУРБОНОВА, «Бекажон» газетаси, лойиҳа бўйича масъул:**

— «Бекажон» «Оналик ва болалик муҳофазаси, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг ўрни ва оилалардаги муносабатлар» лойиҳаси бўйича шу йилнинг апрель ойида грантни қўлга киритди. Биз дастлаб тижорат газеталари учун расмий мақолалар бериш қандай бўларкин, газетхонларнинг талабига жавоб берадими, уларнинг диққатини тортадими, деб иккиландик. Йўқ, хавотиримиз бекор экан. Лойиҳа асосида эълон қилган танловимиз фаолиятимиз самарасини кенгайтириб юборди. Грант олмасдан аввал бу мавзудаги хатлар таҳририятимизга деярли келмас эди. Шундан сўнг нафақат биз, балки вилоятлардаги муштарийларимиз ҳам лойиҳани амалга оширишда муносиб иштирок эта бошлади. Улар она ва бола, аёлларнинг жамиятда ва оилада тутган ўрни, оилавий муносабатлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини хат орқали бизга йўнатишмоқда.

Грант натижасида таҳририятимизга компьютер ва бошқа техник жиҳозлар олинди, интернет сайтимиз www.bekajon.uz очилди. Лойиҳа бўйича ишлаётган журналистлар қўшимча маош ҳам ола бошлади.

Биз ҳар бир мақоламизда қандайдир муаммони кўтариб чиқаяпмиз. У уй бекасими, тадбиркор аёл бўладими, имкон қадар уларнинг фаолиятини ёритаяпмиз. Масалан, оилавий муаммолар гирдобига тушиб қолган айрим аёллар учун йўл-йўриқ, маслаҳат беришга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, оилада эрнинг ўрни, қизларни балоғатга етмасдан турмушга чиқишининг салбий жиҳати, бир-бирига қариндош бўлган йигит-қизларнинг турмуш қуриши ва унинг оқибатлари тўғрисидаги мақолалар ҳам саҳифаларимиздан кенг ўрин ола бошлади.

*Кўриниб турибдики, Фонд грантини қўлга киритган оммавий ахборот воситаларининг барчасида интернет сайтлари ташкил этилган ва улар мунтазам ишлаб турибди. Лойиҳа мавзулари асосида ўша соҳага ихтисослашган журналистлар шаклланмоқда. Бу эса мустақил, ўзини ўзи иқтисодий таъминлайдиган, замонавий андозаларга жавоб берадиган таҳририятларни шакллантиришда, уларнинг моддий-техника базасини ва ходимлар салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим ва асосий ўрин тутиши аниқ. Бу ҳамкорлик эса тўпланган тажрибалар асосида янада бойиб ва ривожланиб бораверади, деган умиддамиз.*

# ЕТАКЧИ ЁШЛАР ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЁН ЭТАДИ

***Инсондаги энг катта қусур лоқайдлик саналади. Бинобарин, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ кимсада на яшашга қизиқиш бўлади, на интилиш. У ҳаётда ҳеч бир из қолдирмай, соядек яшаб ўтади. Бу тушунчани теран англаган ёшлар мақсад ва имкониятларини ишга солган ҳолда сиёсат майдонида яққол кўзга ташланмоқдалар. Тиришқоқ ва ташаббускор бундай ёшлар ўз атрофига яна кўплаб тенгдошларини бирлаштираяптилар.***

**Дилафрўз БЎРОНОВА, Гулжаҳон ЖАББОРОВА.**



БУНДАН бир ойча муқаддам бир гуруҳ ёш етакчилар тенгдошларининг интилиш ва муаммоларини ўрганиб борадиган ҳамда бу муаммоларни бартараф этишни мақсад қилиб олган ёш етакчи-экспертлар Кенгашини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Бу ташаббус сиёсий партияларнинг “Ёшлар қаноти” фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида қизғин муҳокама қилинди ва қўллаб-қувватланди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Ўзбекистон Ёш етакчилар-экспертлар Кенгашининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар “Ёшлар қаноти” фаоллари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятида етакчилик қобилиятини намоён қилиб келаётган йигит-қизлар иштирок этишди.

Тадбирда “Фуқаролик жамияти шаклланишида ёшлар иштироки муаммоларини ўрганиш лойиҳаси” раҳбари Ойбек Жумаев, лойиҳанинг етакчи илмий ходими Шуҳрат Орипов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Ёш етакчилар-экспертлар Кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти қошида жамоатчилик асосида фаолият олиб бориши ва у давлат ва жамият ишларида бевосита иштирок этишга тайёр бўлган фаол, фидойи йигит-қизларни жипслаштиришга, улар орасида соғлом, ижтимоий кўтаринкилик муҳитини яратишга кўмаклашиши ҳақида батафсил маълумот бердилар. Шунингдек, ёшлар муаммоларини аниқлаш, таҳлил қилиш, уларнинг ечими юзасидан ва тегишли қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ўрганиш Кенгаш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Тадбир давомида “Биз – лоқайд эмасмиз!” шиори остида фаолият юритадиган Кенгаш мақсад-вазифаларида ёшларни жаҳондаги, хусусан, Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий вазият, глобаллашув жараёнлари билан яқиндан таништириш, уларга мафкуравий курашлар, ахборот таҳдидлари ҳақида тўлиқ маълумот бериш, ғоявий иммунитетни кучайтиришга кўмаклашиш, Ўзбекистонга қарши информацион хуружлар уюштирилган тақдирда хориж ва мамлакат оммавий ахборот воситаларида, интернет сайтларида Кенгаш аъзоларининг чиқишларини ташкил этиш каби долзарб вазифалар белгиланди.

Яқинда мазкур кенгаш фаолиятининг «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорлиги дебочаси сифатида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти қошида “Камолот–“ёшлар нигоҳида” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда «Камолот» ЁИҲ ва мамлакатимиздаги сиёсий партиялар «Ёшлар қаноти» фаоллари, нодавлат-нотижорат ташкилотларидан вакиллар иштирок этишди.

Давра суҳбатида давлатимиз раҳбарининг шу йил 10 октябрдаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Маълумки, қарорда ёшлар муаммоларини ечишга қаратилган дастур ва тадбирларни амалга оширишда, биринчи галда, қишлоқ жойлардаги йигит-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш каби масалаларда “Камолот” ЁИҲнинг ҳиссаси, ўрни ва таъсири етарли даражада сезилмаётгани таъкидланган. Айниқса, ижтимоий сўровлар орқали олий ўқув юртлари, коллеж ва мактаблардаги ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, мақсад ва интилишларини ўрганиш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш нималарга боғлиқ экани ҳақида баҳс-мунозаралар ўтказиш, керакли хулосалар чиқариш ва таклифлар тайёрлаш «Камолот» эътиборидан четда қолмоқда. Шу боис, ҳаракатнинг янги таҳрирдаги Дастур ва Низоми ёшларнинг ҳаётий муаммоларини бартараф этиш, ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда йигит-қизларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилмоғи лозим. Давра суҳбатида ёш етакчилар томонидан ҳаракатнинг янги таҳрирдаги Дастури ва Низоми лойиҳаси муҳокама қилинди.

Бизнинг суҳбат



# ФУҚАРОЛИК ТУЙҒУСИ

## талабалик даврида камол топади

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор Ғафуржон МУҲАМЕДОВ билан суҳбат*



**— Ғафуржон Исроилович, яқинда талабалар билан бўлган юзма-юз мулоқотингизда «Фуқаролик туйғуси талабалик даврида камол топади» деган ўгитларингиз барча ёшларнинг қалбидан чуқур жой олди...**

— Бир пайтлар биз ҳам талаба бўлганмиз. Ўша кезларда севимли адибимиз Пиримқул Қодировнинг машҳур «Уч илдиз» романини ўқиб жуда таъсирланган эдим. Асарда битилганидек, инсон талабалик даврида ҳаётга учта катта-катта илдиз отади. Бу илдизларнинг биринчиси, ҳақиқий фуқаро, инсон бўлиш! Иккинчиси, пухта билим эгаллаш! Учинчиси, ҳаётга муҳаббатли, Ватанга садоқатли бўлиш! Ана шу илдизлари бақувват бўлган талаба бамисоли улкан дарахт янглиғ кўкка бўй чўзаверади. Зеро, дорилфунунимизда росмана ҳаётий илдизларга эга бўлиш учун барча имкониятлар муҳайё! Кенг ва ёруғ ўқув хоналари, компьютер сингари замонавий технологиялар, кутубхоналар, шинам турар жойлар, спорт майдонлари талабалар ихтиёрида! Бу қутлуғ даргоҳда ўқиш бахтига мушарраф бўлган йигит-қизлар энди унга муносиб етук мутахассис, комил инсон бўлиб камол топишлари лозим.

**— Сўнгги йилларда «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Таълим-тарбия ишларида ҳам шунга яраша ўзгаришлар бўлаяптими?**

— Очиғи, университетимизда янги ўқув йили ўзгача шукуҳ билан бошланди. Мамлакат мустақиллигининг 15 йиллигини барча юртдошларимиз қатори кўтаринки руҳ, фахр-ифтихор билан кутиб олган жамоамиз аъзолари, билимга чанқоқ талабалар, қолаверса, шу даргоҳда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар учун қўшалоқ байрам бўлди. Тўйга-тўёна деганларидек, бу йил ёз бўйи «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замонавий сув спорти саройи бунёд этилиб, унинг теварак-атрофи кўкаламзорлаштирилди. Кенг майдон, хиёбонлар, йўллар ва йўлаклар тамомила ўзгача тус олди. Асосан ҳашар йўли билан амалга оширилган бу хайрли ишларда қурувчилар, ишчи-хизматчилар, турли мутахассислар билан бир қаторда университетимиз меҳнат жамоаси, қолаверса, ўнлаб оловқалб йигит-қизларимиз ҳам елкама-елка туриб меҳнат қилдилар.

Бугунги авлод бобокалонларининг бунёдкорлик ишларини жўшқинлик билан давом эттиришаётганини нафақат «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида, балки бутун юртимиз миқёсида кузатиш мумкин. Ўнлаб осмонўпар бинолар, бежирим иншоотлар, равон йўллар, замонавий кўприкларнинг барча-барчаси бунёдкор халқимиз нималарга қодирлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз Раҳбарининг байрам арафасида «Ёшлик» шаҳарчасига қилган ташрифи давомида бир гуруҳ талабаларимиз билан мулоқот қилгани улар қалбида бир умрга ғурур ва фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдирди. Бинобарин, келгусида ана шу йигит-қизлар, қолаверса, барча талабаларимиз жонажон Юртимизга, Ватанга муносиб фарзандлар, ҳақиқий фуқаролар бўлиб улғайишларига шак-шубҳа йўқ.

Янги ўқув йилига ҳар бир факультетда жиддий ҳозирлик кўрилди. Айни вақтда барча ўқув хоналари билан бир қаторда математик моделлаштириш, математик физика, микроциклик бирикмалар кимёси, табиий бирикмалар кимёси, полимерлар кимёси, мембраналар биофизикаси, стратиграфия ва чўкинди жинслар литологияси, магматизм ва геодинамика сингари 16 та илмий лабораториялар талабалар билан гавжум. Уларга 189 нафар фан доктори, 474 нафар фан номзоди турли фан сирларни мукаммал ўргатмоқдалар.

**– Университет олимлари қатор олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боришаётгани ҳақида матбуотда мақолалар ёзилмоқда. Шу ҳақда ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз?**

– Албатта, ҳамкорликда ҳикмат кўп, деган нақл илмий изланишлар борасидаги ўзаро муносабатларга ҳам тааллуқлидир. Университетимиз олимлари Москва, Санкт-Петербург давлат университетлари, Россия давлат гидрометеорология институти, Океанология институти, Омск давлат университети, Рязань шаҳридаги ОСТ-ЛАЗЕР маркази ва бошқа нуфузли илмий муассасалар билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бормоқда. Булардан ташқари, Франция, Бельгия, Чехиянинг қатор илмий муассасалари билан ҳамкорликлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Бундай ҳамкорликлар, албатта, талабаларимиз ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини ҳам мустаҳкамлайди.




**– Олий таълим муассаларида маънавият ва маърифатга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада университетда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Талабанинг баркамол авлод бўлиб камолга етишишида маънавий-маърифий тарбия ғоят муҳим ўрин тутади. Бу борада университетимиз Маънавият ва маърифат марказининг фаолияти талабаларимиз ҳаётида ўзига хос таъсир кучига эга бўлмоқда. Сўнгги беш йил давомида 20 та дарслик, 7 та монография, 45 та ўқув ҳамда 100 дан ортиқ услубий қўлланмалар нашр этилди. Шу билан бир қаторда «Ёш сиёсатчилар», «Ёш социологлар», «Ёш журналистлар», «Нотиқлар» клублари томонидан уюштириладиган турли учрашувлар, ижодий кечалар ва бошқа тадбирлар талабаларимиз маънавий дунёсини янада бойитишга хизмат қилаётир.

Бугунги қутлуғ қадамларнинг давомийлиги – зукко талабаларимизнинг пухта билим эгаллашлари, амалиёт сирларини мукаммал ўзлаштиришлари, профессор-ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг янги-янги кашфиётлари билан мустаҳкамланади. Ана шу эзгу ишларнинг тўла-тўкис амалга ошиши ёш авлод қалбида келажакка ишонч куртакларининг улғайишига хизмат қилади. Бу эса ҳар бир талабанинг ҳақиқий ватанпарвар фуқаро, етук мутахассис бўлиб камол топиши учун замин яратади.

**— Ғафуржон Исроилович, фурсатдан фойдаланиб, «Жамият» газетаси муштарийларига ҳам ўз тилакларингизни билдирсангиз.**

— «Жамият» ўз номи билан жамиятимиз кўзгусига айланишига, унда маърифат ёғдулари жило бериб туришига ишонаман. У университетимиз олимлари, ўқитувчилари ва талабаларининг ҳам севимли нашри бўлиб қолади.

**Тўлқин ЭШБЕК суҳбатлашди.**

# ОНГЛИ МУНОСАБАТ ВА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

*"Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини босқичма-босқич амалга ошириш, фуқаролик жамиятининг турли институтларини шакллантириш, давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро алоқалар тизимини мустаҳкамлаш демократиянинг муҳим шартидир. Бу борада мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Зуҳра БОТИРОВА билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.*



**— Фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида юртимизда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Сиз депутат сифатида бу жараёнларни қандай баҳолайсиз?**

— Ана шу жараёнда давлатнинг қатор ваколатлари маҳаллий ҳокимият, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотларга босқичма-босқич берилмоқда. Ушбу ислоҳотлардан кўзланган мақсад, Бош қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эътироф этилганидек, ҳуқуқий демократик жамият барпо этишдан иборатдир.

Эркин фуқаролик жамиятини қуришда халқимизнинг умумий савияси, саводхонлиги ва интеллектуал салоҳиятини ҳуқуқий билим билан бойитган ҳолда ошириш тақозо этилади. Чунки фуқаролик жамиятида ҳар бир инсон ўз жамиятининг қадр-қиммати ва нуфузини, салоҳиятини оширишдан манфаатдордир. Юртдошларимиз воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмасдан ҳамма нарсага дахлдорлик ҳисси билан қараши, қонунларни ҳурмат қилиши ва уларнинг барчага баробар эканлигини тан олиши керак. Бундан ташқари, фуқаролик жамиятида давлатнинг ҳамма функцияларини ҳам ўзини-ўзи бошқариш органларига бериб бўлмайди. Негаки, давлат ўзининг Конституциявий тузумини, ўз аҳолисининг ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳудудий яхлитлигини, сарҳадлари дахлсизлигини ҳимоя қилиши, пул ва валюта муомаласи, халқаро муносабатлар, мудофаа ва ҳуқуқ-тартибот йўналишларидаги муҳим стратегик вазифаларни сақлаб қолиши керак. Албатта, ушбу вазифаларни амалга оширишда фуқаролар ҳам онгли равишда қатнашишлари зарур.

**— Қонунчилик палатасининг Сиз фаолият юритаётган Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Фуқаролик жамиятида аҳолининг ҳаёти ва фаолиятига бевосита ёки билвосита дахлдор бўлган барча муносабатлар тегишли қонунлар билан тартибга солиниши шарт. Бу борада қўмитамиз томонидан Ўзбекистон Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни"га, "Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси"га ва "Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодекси"га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Шунингдек, қўмитамиз томонидан Қонунчилик палатаси муҳокамасига иккинчи ўқишда Ўзбекистон Республикасининг "Йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси киритилди. Айни дамда Ўзбекистон Республикасининг "Одам аъзо ва тўқималарини кўчириб ўтказиб (трансплантацияси) тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

**— Икки палатали парламент — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг эркин фуқаролик жамиятини қуришдаги ўрнини қандай баҳолайсиз?**

— Фуқаролик жамиятида қонунлар, албатта, аҳолининг талаб-эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилади. Қонунлар қуйи палатада муҳокама этилиб, қабул қилинганидан сўнг Олий Мажлис Сенатига юборилади. Сенат қонунларни тасдиқлайди ёки қайта кўриб чиқиш учун қайтаради. Демак, қонунлар қабул қилишда асосий масъулият Қонунчилик палатасининг зиммасига тушади. Айни пайтда Қонунчилик палатаси амалдаги қонунлар ижросини назорат қилади. Бундан кутилган натижа шуки, энг аввало, қонун устуворлигини, қонуннинг ижроси учун масъул бўлган ташкилотнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, қолаверса, у ёки бу қонун ижроси оқсаётган бўлса, унинг сабабларидан келиб чиққан ҳолда, ўша қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши билан бирга яна янги қонунлар ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

Мамлакатимизда икки палатали парламент фаолиятига ўтилиши фуқаролик жамияти қуриш жараёнидаги янги, прогрессив ва демократик қадамдир. Қуйи палата томонидан қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва унинг Юқори палатага юборилиши техник жараёнгина бўлиб қолмай, балки қабул қилинадиган қонуннинг ҳар томонлама пишиқ, пухта, халқ манфаатларига мос бўлишида кенг миқёсли қонун ижодкорлигини кўзда тутади. Қонун лойиҳалари мамлакатнинг барча ҳудудларидан вакил бўлиб сайланган Сенат аъзолари томонидан кўриб чиқилади. Ушбу қонунлар аҳолининг жойлардаги талаб ва эҳтиёжларига қай даражада жавоб бериши, қонун қабул қилинганидан сўнг унда тартибга солинган муносабатлар жамият манфаатларига мос келиш-келмаслиги ҳар жиҳатдан пухта таҳлил қилинади.

**— Жамият ва ҳокимият тармоқлари ўртасидаги боғлиқликни янада мустаҳкамлаш зарурати, Сизнингча, қандай ҳолатда намоён бўлмоқда?**

— Ҳокимият, асосан халқ иродасига таяниб иш кўради. Ҳар бир ҳокимиятнинг аниқ вазифаси бор. Олий Мажлис қонун чиқарса, барча ҳокимиятлар уларни ижро этади. Олий Мажлиснинг ўзи ҳам қонунлар ижроси назоратини олиб боради. Бу ўринда жамият билан ҳокимият орасидаги боғлиқликни янада мустаҳкамлашга зарурат бор. Афсуски, ҳокимиятнинг турли бўғинлари таркибида фаолият олиб бораётган барча раҳбарларни фидойи, халқпарвар, жонкуяр, халқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўядиган ва адолатпарвар, кишилар деб айта олмаймиз. Буйруқбозлик, манманлик, қонунбузарлик каби суиистеъмолчиликларга чек қўйиш жамият ва ҳокимият ўртасидаги кўприкни мустаҳкамлашнинг ишончли омилларидандир.

**Вилоят ШОДИЕВА**
**суҳбатлашди.**

Сиёсий партиялар

# ФЕРМЕР МАНФААТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАММАНИНГ БУРЧИ

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ягона мақсадга-халқ фаровонлиги, ватан тараққиётига хизмат қилади. Бугун қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар тақдири қишлоқ мулкдори, яъни фермерларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Диёримиздаги барқарорлик, тинчлик ва хотиржамликдан манфаатдор бўлган ана шу қатлам вакиллари фаолияти учун нафақат соҳа мутасаддилари, балки бошқалар ҳам масъул.*

**Шоҳида АБДУЛАЗИЗОВА**

ТАДБИРКОРЛАР ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партияси ташаббуси билан ўтказилган «Фермер хўжаликлари ва банк, ўзаро муносабатлар» мавзусидаги давра суҳбатида айнан шу масалалар хусусида сўз юритилди. Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, банк ходимлари, мутасадди ташкилотлар, тадбиркорлик фаолиятига алоқадор давлат идоралари вакиллари ва вилоятлардан ташриф буюрган фаол фермерлар иштирок этишди.

Маълумотларга таянадиган бўлсак, фермер хўжаликлари сони йил сайин ўсиб бораётганини кузатиш мумкин. Жумладан, 2004 йилда улар сони 104 минг, 2005 йилда 125 минггани ташкил қилган. 2006 йилнинг охирига келиб 185 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари расман фаолият кўрсатади.

Жорий йил бошида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 35 фоизи фермер хўжаликлари улушига тўғри келган бўлса, айни пайтда ушбу кўрсаткич 50 фоиздан ошиб кетди. Шунингдек, фермерларнинг пахта хомашёси ишлаб чиқаришдаги улуши 87 фоиз, бошоқли дон ишлаб чиқаришдаги улуши 81 фоизни ташкил этади. Тадбир иштирокчилари фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий эркинлигини таъминлаш, фермер хўжаликлари фаолиятининг ноқонуний аралашувлар, фермер ва банклар ўртасидаги молиявий муносабатларда йўл қўйилаётган қонунбузарликлар юзасидан ўзаро фикрлар алмашдилар. Мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими хусусидаги таклиф ва мулоҳазалар атрофлича муҳокама қилинди.

ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ
2006 йил 27 октябрь №6 (6)

Маъмун академиясининг 1000 йиллигига

# «БАЙТУЛ ҲИКМА» АЛЛОМАЛАРИ

## УЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

***Хоразм Маъмун академиясида фаолият олиб борган буюк олимларнинг кенг қиррали илмий изланишлари нисбатан кам ёритилган. Уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини тадқиқ этиш бугунги кун сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик фанлари тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.***



**Солижон ҲАСАНОВ,**
**Педагогика фанлар доктори**

АКАДЕМИЯ ҳаётида ёруғ из қолдирган улуғ олим **Абу Сахл Исо ибн Ясо ал-Журжоний ал-Масихий** (970-1010) жамият ва инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида фикр юритиб, инсонни жамиятнинг ажралмас таркибий қисми деб ҳисоблайди ва унинг бвхт-саодати учун ҳар бир киши жон куйдириши лозимлигини алоҳида уқтиради. Унинг «Одамлар орасида энг улуғи жамиятда тутган мавқеидан ўз обрўси учун, яхши фазилатларидан хайрли ишлари учун, жасурликдан эса шон-шуҳрат учун фойдаланганларидир», деган сўзлари маълум ва машҳурдир.

**Абул Ҳайр ибн ал-Ҳаммор** (942-1032) инсон биринчи навбатда жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши ва атрофдагиларга ёқадиган, яхши хулқли ва равон нутқли бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Лекин нутқ қанчалик чиройли бўлмасин, унга ёлғон-яшиқ аралашар экан, бу дастлаб кишининг ўзига, сўнгра эса жамият тараққиётига, халқнинг бахт-саодати ва фаровонлигига зиён етказишини таъкидлайди олим. Жамият фуқаролари ҳар қандай шароитда ҳам тўғри сўз ва адолатли бўлиши лозим деб уқтиради у.

Маъмун академияси олимларидан яна бири — ибн Мискавайхнинг «Боқий тафаккур» рисоласида фалсафий-аҳлоқий ва сиёсий-ҳуқуқий ғоялар Рум подшоҳи билан мажозий суҳбатда тўла қонли акс эттирилган. Олим инсон фазилати билан боғлиқ саволларга жавоб берар экан, жамият кишилари тақдири, уларнинг хулқи, бахт-саодати, дўстлик ва биродарлик муаммоларини ахлоқий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан тушунтириб беришга ҳаракат қилади.

**Абу Райҳон Беруний** (973-1048) сиёсий-ҳуқуқий қарашлари унинг «Ҳиндистон», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорлик», «Минералогия», «Геодезия» каби асарларидаги инсон ва жамиятнинг пайдо бўлиши, давлатни бошқариш сиёсати, ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқлари, мулк ва мулкий муносабатлар, мерос тақсим қилиш, меҳнат тақсимоти ва пул муаммоси, оила ва никоҳ масалалари ўз ифодасини топган.

Беруний инсон ва жамият ҳақида фикр юритиб, инсонни жамиятда яшашдан асосий мақсади ва бурчи — ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланишдир, дейди.

Олим ҳар қандай зўравонлик ва адолатсизлик, истибдод ва шавқатсизликнинг ашаддий душмани эди, у фақат ижтимоий-сиёсий жиҳатдангина эмас, балки бу масалага ахлоқий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ёндашади. Мутафаккир жамиятдаги ахлоқсизликнинг энг ёмон кўриниши зўравонлик ва ўғирликдир, деб бундай тоифадаги кишиларни жазолаш ва қайта тарбиялаш йўлларини кўрсатади.

Беруний «Ҳиндистон» асарида оила ва никоҳ муносабатларининг жуда нозик қирраларини ахлоқий-ҳуқуқий жиҳатдан тушунтириб беради.

**Абу Али ибн Сино** (980-1037) «Рисолаи тадбири манзил» асарида, давлатнинг бошқариш сиёсати, жамиятдаги ижтимоий табақалар, уларнинг тутган ўрни, қонун устуворлиги ва суд тизими фаолиятига тўхталиб шундай деб ёзади: «Жамиятда кишиларнинг меъёрли яшашлари учун ўзаро ҳамкорлик шароити яратилмоғи лозим, бунинг учун эса жамият аъзоларининг ҳаммаси учун бир хил бўлган оқилона қонун ва суд бўлмоғи керак. Ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар ўртасида ўзаро келишув зарур бўлиб, бу келишув туфайли адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилади. Қонуншунос эса бу қоидаларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият ишларини қилувчиларга ҳам, яхши ишларни рўёбга чиқарувчиларга ҳам баҳо бериши зарур. Бунинг учун олий қонуншунос тан олиши зарурки, инсонлар ўз фаолиятида уларнинг ҳукмларидан фойдалансинлар».

Шундай қилиб, Маъмун академияси олимларнинг жамият ва шахс, адолатли ва маърифатпарвар подшоҳ, давлат ва ҳуқуқ ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳақида қарашлари асосида маърифатпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, давлатлар ва халқлар ўртасидаги тинч-тотувлик, дўстлик ғоялари ётади. Ҳозирги кунда бу бой сиёсий-ҳуқуқий меросимиздан кенг фойдаланиш Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўлига чиқишида ва конституциявий давлатчиликни, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда ўзининг ижобий натижаларини беради.

Талқин ва таҳлил

***Дунё тамаддуни равнақига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз томонидан яратилган энг халқчил давлатчилик назарияларига эндиликда умуминсоний қадрият сифатида қаралмоқда. Шу боис, боболар ҳаққи ҳурмати бу назарияни ўзига беклар жамияти, деб номладим.***

# ЎЗИГА БЕКЛАР ЖАМИЯТИ

**Бунёд АБДУЛЛАЕВ**

ФУҚАРОЛИК жамияти жумласини биринчи бўлиб Аристотель қўллаган. У "Давлат нима эканлигини аниқлашдан олдин фуқаро тушунчаси моҳиятини англамоқ лозим, чунки давлат — бу фуқаролар мажмуи, фуқаролик жамиятидир", — деган эди. Қадимги Римда societas civilas (яъни фуқаролик жамияти) тушунчаси империядаги турли табақа вакиллари ҳуқуқлари мажмуини англатган. Ҳозирги кунда фуқаролик жамияти тамойиллари асосан уч кўринишга эга. Биринчиси, француз инсонпарварлари томонидан яратилган ва Шарль Монтескьенинг ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд каби учта тармоққа бўлиниш назарияси асос қилиб олинган. Унда номақбул ва жамиятга қарши хатти-ҳаракатлардан тийиб турадиган қонунлар ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Ҳукуматлар доимий равишда жамият назоратида фаолият олиб бориши лозим. Айнан жамиятгина талаб даражасидаги яшаш муҳитини яратиш ва сақлаб туришга қодирдир. Иккинчи тарихий илдиз эса немис маданий доираси таъсирида шаклланган анъана билан боғлиқ. Мазкур анъананинг назарий концепцияси Гегель томонидан ишлаб чиқилган. Унинг таълимотига кўра, фуқаролик жамияти алоҳида шахслар, синфлар, корпорациялар, табақалар, институтлар мажмуидан иборат. Унинг кўпгина таркибий қисмларини ўзаро таққослаш мумкин эмас. Улар турли низолар, хусусий манфаатлар тўқнашадиган майдонга ўхшайди. Фақат конституциявий давлатгина жамиятдаги мавжуд ноаҳилликларни самарали ҳал қила олади. Учинчи, асосий негиз-табиий ҳуқуқ ва эркинлик асосида мулкни қўллаб-қувватлаган Жон Локк яратган либерал инглиз-америка анъанасидир. Локк "туғилганидан бошлаб ҳаёт, эркинлик ва мулк ҳуқуқи"нинг соҳиби бўлган инсон шахсини биринчи ўринга қўяди ва давлатнинг асосий функцияси хусусий мулкни ҳимоя қилишдан иборат, деб ҳисоблайди.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда юқорида келтирилган назариялар афзалми ёки миллий қадриятларимизга асосланган ўз йўлимиз мақсадга мувофиқми?

**ҲИЛЛАРИ КЛИНТОН “БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА” КИТОБИДА: “АГАР ДУНЁГА ҚАЙТА КЕЛИБ, ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ БЕРИЛГАНДА ЎЗБЕК МАҲАЛЛАЛАРИДА ЯШАШНИ ТАНЛАГАН БЎЛАРДИМ”, ДЕЯ ЁЗГАН ЭДИ.**

### ҚАДИМИЙ МАНБАЛАРДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ НАЗАРИЯСИ

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби – “Авесто”да фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашлар “Эзгу фикр, Эзгу калом, Эзгу амал” каби эзгулик ва инсонпарварлик тамойиллари орқали намоён бўлади. Маълумки, фуқаролик жамиятининг биринчи асосий хусусияти инсонларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллиги ҳисобланади. Ўша замонлардаёқ жамиятга бир оила сифатида қараш шаклланган. Ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни бошқарувчи сиёсий омил — зардуштийлик ахлоқ қоидалари ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг асосини ташкил этган. “Авесто”да талқин этилишича, жамиятда соғлом турмуш тарзини, фаровонликни таъминлаш учун эзгу фикр, ширин сўз, берилган ваъдага амал қилиш, фойдали меҳнат билан шуғулланиш ва ижтимоий фаоллик ҳар бир инсоннинг бурчи ва ҳаётий фаолияти мазмунини ташкил этмоғи зарур: “Илоҳий қонунга бўйсунадиган яхши киши яқин одамига меҳрибон бўлиши, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганида кўмаклашишга шай туриши, кишилар бахт-саодати учун ёвузликка қарши фаол курашишга тайёр бўлиш, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, биродарликда яшашга интилишида намоён бўлади.”

Фуқаролик жамиятининг иккинчи хусусияти – инсон ҳуқуқларининг устуворлигидир. Зардуштийлик таълимотида Ахура Мазда яратган қонунларга кишилар қатъий амал қилса, ҳақиқат (адолат) ва эзгулик жаҳолат ва ёвузлик устидан ғалаба қозониб бораверади, деган фикр қуйидагича баён қилинади: “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман”.

Зардуштийлик таълимотида инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига қарши курашишга даъват қилинади: “Инсон ҳақиқат ва адолатга интилсин, одамзод бахтли-саодатли яшашга ҳақли, инсонни ҳаётдан, ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!”

Ўша даврларда мулкчилик ҳуқуқи амалда эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи билан чекланмаган. У бошқариш ҳуқуқини, яъни бошқа шахс эгалигига топшириш ва шартнома асосида эгалик қилишни ўз ичига олган. Бойлик хусусий мулк маъносини англатган. Хусусий мулк — “вис” (уруғ жамоаси)га зироатчилик билан машғул ва бир-бирларига қариндош бўлган камида 15 оила кирган. Жамоанинг хусусий мулки дейилганда эса ҳовли-жой, қалъа-қўрғонлар, яйловлар, экин ерлари, каналлар ва бошқа бойликлар назарда тутилган. Бу фуқаролик жамиятининг учинчи хусусиятидир.

Фуқаролик жамиятининг тўртинчи хусусияти одамларнинг жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишидир. Хусусан, Зардуштийлик таълимотида ўзига хос давлат ва жамият бошқаруви тизими келтирилган. Лекин фуқаролик жамияти белгиларини уруғ ва қабилага бирлашган жамоа ҳаётида, умумий ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишда, хусусий мулкка эга бўлишда, қабиланинг умумий манфаати билан боғлиқ бўлган турли масалаларнинг Оқсоқоллар Кенгашида муҳокама этилишида кўришимиз мумкин.

Агарда илк цивилизациянинг қадим Туронда барпо этилгани ва маданий резонанс туфайли Месопатамия, сўнгра Миср орқали қадимги Римга ва ундан бутун дунёга тарқалганлигини ҳисобга олсак, боқий қадриятимиз бўлган қадимий манбаларимизда фуқаролик жамияти назарияси хусусиятлари акс этганига таажжубланмасак ҳам бўлади.

### ЖАМИЯТНИНГ ЭРКИН АЪЗОСИ

Замонавий тушунчадаги фуқаролик жамияти тўғрисидаги сўзни ўзини жамиятнинг эркин аъзоси ва менсиз халқ бутунмас, деб ҳисоблайдиган, муайян ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган фуқаро пайдо бўлган дақиқадан бошлаш мумкин. Чунки инсонга нима кераклигини унинг ўзидан яхшироқ ҳеч ким билмайди. Бундай шахсни яратишда эса омманинг кайфияти ва фикри муҳим роль ўйнайди. Бизда бундай шахсларни фақат маҳаллагина етиштириб бериши мумкин.

Минг йиллар давомида анъаналаримиз ва қадриятларимизни ўз бағрига асраб-авайлаб келаётган маҳаллаларимиз миллий ўзига хос фуқаролик жамияти қурилишида катта аҳамият касб этади. АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтоннинг рафиқаси Ҳиллари Клинтон “Бир болага етти маҳалла ота-она” китобида: “Агар дунёга қайта келиб, танлаш имконияти берилганда ўзбек маҳаллаларида яшашни танлаган бўлардим”, дея ёзган эди. Чунки маҳаллада бир тану жон бўлиб, ҳар қандай шароитда ҳам жамоага суяниб яшаш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ўзимизга мос бўлган фуқаролик жамияти асосларини яратишда Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” ҳамда Сарбадорлар давлати қурилишига доир бой меросимиз манбалари зарур қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

# НОХОЛИС ҲОМИЙЛАР

## уларнинг амалга ошмай қолган қинғир ниятлари ҳақида

*2002 йилнинг ёзи эди. Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар залида аллақайси халқаро фонд ташаббуси билан “Аёллар бизнеси йўлидаги тўсиқлар ва уларни бартараф этиш чоралари” деган мавзуда семинар-тренинг ўтказилди. Вилоят фаолларидан бирининг таклифи билан мен ҳам ўша куни баҳс-мунозара, тортишув масканига айланиб улгурган залга кириб бордим. Очиғи, ишбилармон аёлларимизга бизнес ишларини янада авж олдириш учун қандай муаммолар халақит бераётган экан? деган саволга жавоб топиш истаги ўзимни ҳам ўша даврага чорлаётганди.*

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД, журналист

— ФОНДИМИЗ томонидан вилоятингиздаги тадбиркор аёлларга хорижий валюта шаклида имтиёзли кредитлар ажратилади, — деди мўйловли бир йигит муддаога кўчиб. — Бироқ бунинг учун битта шарт: бизнинг раҳбарият аниқ маълумотларга эга бўлиши керак, ўзбек аёли эркин бизнес қилиши учун оилавий ва умуман маҳаллий шароитда нималар халақит беради? Масалан, биз ҳозир мана бу доскага жадвал чизиб, тадбиркор аёлга тўғаноқ бўлаётган муаммоларни рақамли катакларга бўлиб ёзамиз. Биринчи масала, бу эрнинг рашк қилиши ва аёлини узоқ шаҳарларга, бошқа мамлакатларга ёлғиз юбормаслиги. Иккинчиси, қайнонанинг ёки эрнинг бошқа яқин қариндошлари тадбиркор келинининг шахсий ҳаётига аралашуви, бизнесига тўсқинлик қилиши ва ҳоказо...

Мўйловли “устоз” кўтараётган муаммо бачкана туюлса-да, аслида у биз ўйлаганчалик анойи эмасди. Афт-башарасининг мулойимлиги, ҳар икки гапда бир ишшайиб тиш кўрсатишлари кўнглининг чуқур қатламларини эгаллаган шум ниятларини ниқоблаб турар, ўзини гўё шарқ «мазлума»ларининг халоскоридек тутарди. Топган меҳнат ҳақини улфатбоз эрнинг ёки золим қайнонанинг қўлига тутқазиб қўяётган бечора аёлни қандай қилиб бўлмасин эркинроқ,

**ХАЛҚИМИЗ НИҲОЯТДА ТОПИБ АЙТГАН «УЗОҚДАГИ ҚУЙРУҚДАН ЯҚИНДАГИ ЎПКА АФЗАЛ», ДЕГАН ҲИКМАТНИ УНУТМАСЛИГИМИЗ КЕРАК. ЗЕРО, «УЗОҚДАГИ ҚУЙРУҚ» БЕЖИЗ ИНЪОМ ЭТИЛМАЙДИ.**

кенг қамровли бизнес билан шуғулланиши учун шароит яратиш, ҳақ-ҳуқуқларини тўкис ҳимоя қилиб, янги асрнинг чинакам озод аёлига айлантириш ғояси маърузачи йигитнинг нутқини бошдан-оёқ ишғол этганди, гўё...

Анча-мунча гаплардан сўнг бошловчилик тизгинини бир аёл қўлга олди:

— Мана, сиз — учинчи қаторнинг энг чеккасида ўтирган аёл, қаерда ишлайсиз?

— Менми? Шифокорман. Акушер-гинеколог...

— Баъзан оғир беморга қараб иш кунингиз узайиб, уйга чарчаб, кеч борсангиз керак, тўғрими?

— Тўғри. Тез-тез шунақа бўлиб туради. Бунга ўрганиб ҳам қолганман.

— Мана энди сизга савол: ўшандай кунлардан бирида уйга чарчаб бордингиз дейлик. Уйда эса қозон осилмаган. Бу ишларни, сизнинг-ча, ким қилиши керак, сизми ёки эрингиз? Ё кунора навбат билан...

— Минг шукрки, фарзандларимиз улғайиб, бундай ишларнинг уддасидан чиқадиган бўлиб қолишган. Овқатни қизим пиширади. Бозор-ўчарни ўғлимиз қилади.

— Дейлик, бирор сабаб билан болаларингиз икки-уч кун уйда бўлишмайди. Барча иш эр-хотин икковларингизга қолиб кетган. Икковларингиз ҳам кечқурун ишдан чарчаб келасизлар. Кечки овқат тайёрлаш учун ошхонага ким боради?

— Албатта, мен-да! Саволингиз жуда қизиқ...

— Ана кўрдингизми, Шарқ аёлларига хос ана шу эски ақида хотин-қизларни ўз-ўзидан кўринмас қуллик занжирига боғлайди! — кўзойнакли аёл гўё миллат хотин-қизларини “эзаётган” жаҳоншумул муаммони кашф этгандек авж пардада вайсай кетди.

— Бир нарса тушунарсиз бўлаяпти, умуман биз бу ерда нималарни муҳокама этаяпмиз? — деди ниҳоят тоқати тоқ бўлган қирқ беш, эллик ёшлардаги онахон. — Агар мақсадларинг қандайдир “шаттакироқ” аёлга кредит бериш бўлса, бизларни бир-биримизга гиж-гижламай ўшани топиб имтиёзли пулларингни бериб қўя қолмайсизларми? Масалан, мен рашкчи эримни ҳурмат қиламан. Қизларим ҳам бўйи баробар тилло берсаларинг ҳам ўзлигидан, шарм-ҳаёсидан кечмайди.

Залнинг шифтлари қарсаклардан акс-садо қайтаргандек туюлди. “Имтиёзли кредит” деб аталмиш “бахт қуши” шу куни ҳеч кимнинг бошига қўнмади. Тушликка чиқдик. Баҳс, бошловчиларнинг шаштига қараганда, кечқурунгача давом этадиган чўти бор эди.

— Бу олифталарнинг мақсадига тушунмадим, — деди ҳамроҳимиз Жуманазар ака. — Савдо-сотиқ қадимдан ҳам мусулмон аёлларига тақиқланмаган аслида. Мана, масалан, пайғамбаримизнинг аёллари Ҳадича онамиз ҳам йирик савдогар бўлганлар-ку. Расулуллоҳни маънавий-руҳий ва моддий қўллаб-қувватлаб, у кишига замондошлари орасидан дастлаб иймон келтирган буюк аёл ҳам ўша киши. Нега энди булар аёлларимизнинг ишбилармонлигига миллий ва диний урф-одатлар тўсиқ бўлади, деб жаврашади. Саводи борми ўзи буларнинг? Умуман, мақсадлари нима? Тадбиркор аёлларга кўмак беришми ёки уларга эрлари билан ҳақ-ҳуқуқ талашишни ўргатишми? Хуллаcи калом, семинар-мулоқотлари ўзларига сийлов, менинг бормаганим бўлсин...

Биз ҳам шу қарорга келдик. Эртасига маълум бўлдики, тушлик-танаффусдан сўнг тадбирга ҳеч ким қайтиб кирмабди. Калта иштонли эркак ва унинг аёл ҳамроҳлари “Сизлар томонда эркакларнинг демократияга тоқати йўқ, аёлларга феодалларча муносабатда бўлишар экан, ҳозирча бизнинг фонддан имтиёзли кредит ололмайсизлар”, деб аразлаб кетишган эмиш.

Юқоридаги бу воқеани эслашимдан мақсад — демократ ниқобидаги нияти нохолис айрим ажнабий ташкилотларнинг вакиллари шарқнинг ўзига хос маънавий менталитетига зарба беришни пинҳона мақсад қилиб олганларини айтишдир. Ўз муддаоларини турли важ-карсонлар билан хаспўшловчи бундай устамонларнинг асл ниятини билиб қўйиш ва шунга қараб «тўн бичмоқ» керак бўлади. Ахир Шарқ ҳам анойи эмас: асрлар мобайнида кишилик жамиятининг устувор даражадаги маънавий муҳитини яратган. Бу муҳитнинг асрлар синовидан ўтган анъаналари одамларимизнинг қон-қонига, турмуш тарзига сингиб кетган. Шундай экан, халқимиз ниҳоятда топиб айтган «узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка афзал», деган ҳикматни ҳам унутмаслигимиз керак. Зеро «узоқдаги қуйруқ» бежиз инъом этилмайди.

**2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили**

# «САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

***Ёш авлодни жисмонан ва маънавий соғлом ҳамда баркамол етук шахс этиб тайёрлаш «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурининг асосий вазифаларидан бири саналади. Шунингдек, республикамизнинг энг чекка ҳудудларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини тиббий-ижтимоий патронаж хизмати билан таъминлаш, юқори малакали тиббий ва мурувват ёрдами кўрсатиш Давлат дастурининг асосий йўналиши ҳисобланади.***

Шохрух ҚОСИМОВ

ШУ муносабат билан дастур доирасида ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси ташаббуси билан Навоий—Нукус йўналишида «Саломатлик» поезди ташкил этилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси томонидан махсус вагонлар ажратилди ва 13 кишидан иборат юқори малакали шифокорлар (терапевт, педиатр, акушер-гинеколог, невропотолог ва бошқалар) гуруҳи Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг чекка туманларида яшовчи аҳолига зарур тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида душанба куни Тошкентдан йўлга чиқдилар.

Айни пайтда тиббий-ижтимоий патронаж вакиллари жойларда асосан болалар, хотин-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиб, муҳтож бўлган беморларга мурувват ёрдамини кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари, Жамғарманинг Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиалларига қарашли «Автоамбуланс»лари билан чекка туманларда тиббий кўрикни ташкил этдилар. Шунингдек, ногиронлар, боқувчисиз фуқаролар ва кўп болали оилалар, болалар ва ўсмирлар малакали шифокорлар томонидан текширилади. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб



этиш бўйича давра суҳбатлари ҳам уюштирилади. Бу тадбир натижасида 1,5 ва 2 мингга яқин аҳоли, жумладан, аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилиши режалаштирилган. «Саломатлик» поезди 4 ноябрь куни ортга қайтади.

Мазкур тадбирда бир неча хорижий ташкилотлар ҳам иштирок этмоқда.

*ҲАЁТИМИЗ турли-туман воқеа ва ҳодисотларга тўлиқ. Айниқса, шиддат билан кечаётган ҳозирги замонимизда улардан бохабар бўлиш саркаш вақт тизгинини жиловлашдай бир гап. Лекин шундай воқеалар борки, улар шунчаки онг-шуурингиздангина эмас, кўнгил қатидан жой олади. «Жамият» газетасининг ҳаётимизга шахдам одимлар билан кириб келиши ва унинг саҳифаларида «Кўнгил мулки» деб аталган рукннинг пайдо бўлиши ана шу ҳодисалар сирасига киради десам хато эмас.*

*Кўнгил нима ўзи?*

*У бир қарасанг, катта обод-саришта мамлакатга ўхшайди, бир қарасанг, чумолидан ҳам пастроқ гиёҳ мисол, ожизу нотавон. Дўст ҳам ўзи, душман ҳам ўзи. Ўзи обод қилади, ўзи ўзини вайрон этмоққа қодир. Ўзи йўлга бошлайди, ўзи йўлдан уради. Кўчалари, маҳалла-кўйлари кўп. Кўкка кўтаргувчи ҳам ўзи, яксон этувчи ҳам ўзи.*

*Кўнгилга яна кўп таърифу тавсифлар бериш мумкин. Туганмас дарёнинг соҳилларидай кетаверади. Уни жиловлай билиш, тўғри йўлга бошлай олиш ҳам катта давлат. Яхшиликлар, аввало, кўнгилда туғилади, ёмонликлар ҳам даставвал, кўнгилда пайдо бўлади.*

*Мақсад-муддао — унинг мулки — меҳр-муҳаббат, яхшилик ва мурувватдан иборат бўлса, ундан бошқа кўнгилларга эзгулик кўприклари билан фақатгина меҳр ришталари уланиб бораверса... Унинг соҳилларини, мавзеларини ҳаргиз қоронғулик, зулмат чулғамаса, ундан нур-зиё таралса, мунавварлик ёғилса, бошқа кўнгилларни ҳам ёрита олса...*

*«Жамият» газетаси муштарийларига менинг тилакларим, илинганларим шулар!*

# ОР НОМУСДАН ЯРАЛГАН ХАЛҚМИЗ





**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари**

## ВАТАН

*Бир тилим ҳандалак, бир тилим ҳилол*
*Минг йил кўз ўнгимдан кетмагай ҳаргиз.*
*Сен — мангу халқдирсан, ризқ-рўзи ҳалол,*
*Мен — сендан тарқаган, кўкарган илдиз.*
*Одам атолардан нишоним дедим,*
*Сени бобом дедим, деҳқоним дедим.*

*Элин билмаганлар юртин қарғарлар,*
*Миннат қилганлар бор берган ош-нонин.*
*Кетди боғларингни босган қарғалар,*
*Азал булбулларга гўзал ошёним.*
*Тўрғайларга ўнғай маконим дедим,*
*Сени бағрим дедим, осмоним дедим.*

*Амир Темурлардан қолган номус-ор,*
*Бир синиқ ғишти ҳам шараф-шон юртим.*
*Сен — ўлмас ғурурсан, сўнмас ифтихор,*
*Суви ҳам, қуми ҳам зарафшон юртим.*
*Асрлар жўш урган дил қоним дедим,*
*Туғи абад баланд қўрғоним дедим.*

*Сен — ўн бешга тўлган отажонимсан,*
*Бешигинг ислари кетмаган ҳали.*
*Тожу тахтим менинг, зўр имконимсан,*
*Бори тириклигим, умрим сайқали.*
*Сени — қошу кўзим мижгоним дедим,*
*Ўз уйимда ўсган султоним дедим.*

*Менинг бу дунёда бошқа онам йўқ,*
*Онажоним ўзинг танҳо, ягонам.*
*Сен борсан — сўзимнинг бошоқлари тўқ,*
*Сен борсан — тинмагай тилдан таронам.*
*Сенга садқа бўлсин бу жоним дедим,*
*Сени жоним дедим, жаҳоним дедим.*

*Халқ бўлиб заминда кўз очган кундан*
*Қанчалар меҳнату миннат кўрдик биз.*
*Асли истиқлолнинг ғояси шундан,*
*Жон чекиб, муҳташам давлат қурдик биз.*
*Эзгулик даргоҳим, майдоним дедим,*
*Оламга очилган айвоним дедим.*

*Дунё ҳам бўлиниб тулпор, отларга,*
*Қувончу ғам деган тарафлар бўлгай.*
*Лекин эл-юртим деб ўтган зотларга*
*Абадият қадар шарафлар бўлгай.*
*Бир тонгда ушалган армоним дедим,*
*Кетмас бўлиб келган давроним дедим.*

## ШЕЪР ВА КУРАШ

*Шеър аро полвон бўлиш осон эмас,*
*Шеър фақат гул атри ё райҳон эмас,*

*Шеър — серташвиш умрдир, серазоб,*
*Шеър — замин-дир ҳам, фақат осмон эмас.*

*Мир Алишернинг буюк беш панжаси*
*Бор ҳақиқатдир, фақат достон эмас.*

*Шоиру шеър — якка, сўз майдонида*
*Шеър билан шер олишур, инсон эмас.*

*Чин кураш майдонидир асли ҳаёт,*
*Бўлмаса полвонлари — майдон эмас.*

*Бунда ҳам ранжу алам чекмоқ керак,*
*Доимо у чеҳраси хандон эмас.*

*Ору номусдан яралган халқмиз,*
*Ўлдиролур бизни ор, ёлғон эмас.*

*Дил муроди, эл муроди ўлмагай,*
*Паҳлавон Маҳмудлари ўлгон эмас.*

*Барчинойлар бирлан Алпомишлари*
*Эскидан қолган қизу ўғлон эмас.*

*Шаъну шавкат рамзидир Темур бобо,*
*Шунчаки соҳибқирон хоқон эмас.*

*Шул сабабдан мард Темурзодалар*
*Паҳлавондир аввало, султон эмас.*

*Жисмимизда кеча-кундуз қайнаган*
*Ота-боболар ғурури, қон эмас.*

*Енга олмаскан рақибин кимки, ул*
*Ўзбекистонлик эмас, полвон эмас.*

## НУҚТАИ НАЗАР

*Ватан надир —*
*Шоҳ шоирини*
*Соғинчда йиғлатган бир қовунидир.*
*Шоир кимдир —*
*Мир Алишер бобонинг*
*Биринчи ва мангу муовинидир.*
*Шеър гарчи шоирнинг кўксида ёнган,*
*Бўғзини қўйдирган олов унидир.*
*Шеърият — гул эмас, чечакмас, асли*
*Руҳ ва кўнгилларнинг кир совунидир.*

# ЛОЙИҲАЛАР УЧУН ОЧИҚ ЭШИК

Эътибор

***Санъат ва маданият ривожини қўллаб - қувватлашга қаратилган ишлар хайрлидир.***

**Забаржад АҲМЕДОВА**

АНА шундай эзгу мақсадга йўналтирилган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси 2004 йилнинг февраль ойида таъсис этилган. У фан ва таълим, санъат ва маданият тизимини ривожлантириш ғоялари атрофида бирлашган фуқаролар ҳамда ижтимоий ташкилотларни ўзида жам этади. Жамғарма халқимизнинг миллий анъаналарини тиклаш, жамоат ва маданият арбоблари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, истеъдодли ёшлар ва ижодий сулолаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро ҳамжамиятга бой тарихий меросимизни, айни пайтда замонавий маданият, санъат ва спортимиз ҳақида объектив маълумот етказишга жазм этган.

Мазкур жамғарманинг кўплаб тадбирлари, хусусан, «Навқирон Ўзбекистон» анъанавий санъат фестивallари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

2005 йилнинг ёзида жамғарма кўмагида Тошкентда Болалар спорт мажмуаси очилди. Бугунги кунда эса бу ерда бадиий гимнастика, у-шу ва бошқа спорт турлари бўйича етакчи мутахассислар болалар билан машғулот ўтказмоқда.

Жамғарма «Меҳр нури» жамғармаси билан ҳамкорликда таъсис этган таълим грантлари асосида 2005 йилда илк бор кам таъминланган оилалардан 28 нафар иқтидорли ёшларнинг Ўзбекистондаги етакчи олий ўқув юртларида таҳсил олиши молиялаштирилди. Ўқишга иштиёқи баланд бўлган талабалар сони бу йил 44 тага етди. Яқинда яна бир янги лойиҳа «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» йўлга қўйилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан ҳамкорликдаги «Келажак овози» танлови катта эътиборга сазовор бўлди. Кенг ижодий йўналишдаги бу танлов ёшларни қизиқтириши мумкин бўлган деярли барча соҳани қамраб олган. 40 нафар ғолиб ёшлар томонидан тақдим қилинган лойиҳалар амалиётга ҳам татбиқ қилинмоқда. Жамғарма қошида «Ёшлар ташаббуслари маркази» ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» Жамғармаси фаолиятининг географик қамрови борган сари кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда у Россия, Миср, Хитой, Япония ва қатор Европа давлатлари билан маданий алоқаларни йўлга қўйган. Қоҳирада Аҳмад Шавқий номидаги музейда Ўзбекистон тасвирий санъати фестивали ўтказилгани Мисрдаги фаолиятига мисол бўла олади. «Ўзбек фотосанъатининг 125 йиллиги» кўргазмасининг Пекиндаги намойиши эса Хитой билан ҳамкорлик намунасидир.

Жамғарма томонидан ўтган йили Успенский номидаги республика Мусиқа академик лицейи қошида Ўсмирлар симфоник оркестрининг йирик концерти ўтказилди. Жаҳон ижрочилиги тарихида илк бор катта оркестрга 8-10 ёшли болалар дирижёрлик қилди.

Санъат

# НАСИБА АБДУЛЛАЕВА – КИНОДА!

***Пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги киносаройда таниқли режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг янги “Суиъқасд” фильми тақдимоти бўлиб ўтди.***

**Рустам ҲАЙДАРОВ**

“ШАРҚ-СИНЕМА” студияси томонидан суратга олинган мазкур фильмда яхшилик ва ёмонлик, диёнат ва хиёнат, эзгулик ҳамда қабоҳат ўртасидаги кураш акс этган. Фильмда қатор таниқли актёрлар билан биргаликда илк бор кинода роль ижро этаётганлар ҳам бор. Жумладан, таниқли клипмейкер Жасур Шаметов салбий образ яратган бўлса, унинг жабрдийда онаси ролини машҳур хонанда Насиба Абдуллаева ижро этган.

# Миссионерлар ноқонуний йўлни танлашмоқда

***Қирғизистоннинг жанубий минтақаларида рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар сони ортиб бормоқда, деб хабар тарқатди «24.kg» ахборот агентлиги. Уш шаҳар ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари уч йилдан буён яширин равишда ишлаб келаётган протестант руҳидаги «Элдос» диний ташкилотини фош этди.***



«ҲОЗИР жанубий минтақада шунга ўхшаган ташкилотлар кўпайиб кетаяпти», деб таъкидлаган Қирғизистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Диний ишлар бўйича давлат агентлиги директорининг маслаҳатчиси Ш.Зокиров. Унинг айтишича, айниқса, Жанубий Кореядан келган миссионерлар кўпчиликни ташкил этади. Улар шифокорлик қилмоқдалар, корейс ёки инглиз тилидан сабоқ бермоқдалар, компьютер заллари очмоқдалар, аммо асосий мақсадлари — миссионерликдир.

«Миссионерлар» ибодатхоналар очиб, уларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан фаолият кўрсатиб, минтақадаги вазиятни кескинлаштирмоқдалар. Масалан, маҳаллий аҳолининг бошқа диний қарашлар тарғиб этилаётганидан норози бўлаётганлиги кузатилмоқда.

# Муҳокамада – демократия истиқболи

***Lenta.ru хабарига кўра, Европа Кенгаши бош котиби Терри Дэвис Москвада бўлиб ўтган Халқаро демократик форумда сўзга чиқиб, Европада сайловчиларнинг партиялардан чиқиш тенденцияси кучайиб бораётгани тўғрисида баёнот берди.***

«БУ, демократия ҳозир хавф остида қолганидан далолатдир», дея таъкидлади у. Бош котиб сўзларига кўра, муаммони атрофлича муҳокама қилиш ва одамларни қай тарзда партияга жалб этиш масаласини кўриб чиқиш зарур. «Агар партияларга турли юлдузлар шайдолари клубига бўлгани каби муносабатда бўлинса, сиёсий партияларга одамларнинг киришлари амри маҳол. Сиёсий партиялар ўз раҳбарлари ва лидерлари учун ҳокимият воситаси бўлмаслиги лозим. У, энг аввало, эркин кишилар бирлашмасидир», — деди Т. Дэвис. Унинг фикрича, одамлар партиянинг шакли-шамойили, партияга лидерлик лавозимларига номзодларни кўрсатиш ўзларига боғлиқ эканлигига чуқур ишонч ҳосил қилганларидагина партияга кира бошлайдилар.

# Ёш ҳуқуқшунослар анжумани

***Ереванда «Арманистон конституцияси фуқаролик жамияти қуриш йўлида» деб номланган конференциянинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди, деб хабар қилади Newsarmenia.ru.***



АРМАНИСТОН ёш ҳуқуқшунослар ассоциацияси президенти Д.Абгарян берган баёнотга кўра, мазкур конференциянинг мақсади ёш юристларнинг ҳуқуқий билимдонлик даражасини ошириш ва мамлакатдаги сўнгги конституцион ислоҳотларни чуқур тушунишларига кўмаклашишдан иборат.

Илмий конференция Арманистон ҳукумати ёрдамида ташкил этилди ва у давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигининг дастлабки тажрибаси ҳисобланади.

# Аёл лидерлар учун семинар-тренинг

***Москвада инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллар ва хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари лидерлари учун семинар-тренинг бўлиб ўтди, деб хабар берилди Asi.org.ru интернет сайтида.***



СЕМИНАРНИ хотин-қизлар жамоат ташкилотлари Умумроссия ассоциациясининг «Хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари консорциуми» ташкил этди. Консорциум президенти, Россия Федерацияси Жамоатчилик палатасининг аъзоси Е.Ершованинг айтишича, семинар «Инсон ҳуқуқлари контекстида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари: ҳуқуқни ҳимоялаш фаолиятининг янги андозалари» дастури доирасида ўтказилган.

Семинарда гендер тенглиги масалалари билан шуғулланувчи канадалик мутахассислар қатнашдилар. Улар ҳокимият ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этиш бўйича тажрибаларни ўртоқлашдилар. Шунингдек, семинар қатнашчилари Пермь фуқаролик палатасининг иш тажрибаси билан танишдилар, хотин-қизларни меҳнат ва бандлик масалаларида ҳимоя қилишда суд тизимидан фойдаланиш услублари ҳақидаги суҳбатни тингладилар.

# Ақшда сўроқ усуллари кучайтирилди

***АҚШ президенти Жорж Буш терроризмда гумонланган шахсларни сўроқ қилишнинг тезкор усулларидан фойдаланувчи ҳарбий комиссия ташкил этиш тўғрисидаги қонунга имзо чекди.***

БУ қонун ҳарбий асирлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Женева конвенциясига зид эканлиги ҳақида ҳуқуқ ҳимоячилари бир неча баёнот берди. Лекин президент Ж. Буш ўз фикрини ўзгартиргани йўқ. У мазкур сиёсатнинг кучайтирилиши махсус хизматлар имкониятларини кенгайтиради, дея баҳоламоқда.

# Ассоциациядаги танглик

***Қозоғистоннинг Кустанай шаҳрида ўн йилдан буён фаолият юритиб келаётган Нодавлат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси ўз фаолиятини тугатди, деб хабар берди Inform.kz веб-сайти.***



УШБУ ассоциацияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастурини 2000 йилдан буён Сорос-Қозоғистон фонди амалга ошираётган эди. Фонд ушбу нодавлат ташкилотни молиялаштиришни муддатидан илгари тўхтатишга қарор қилди. Ассоциация раҳбариятининг айтишига кўра, мазкур нодавлат ташкилотни молиявий қўллаб-қувватлаш дастури яна уч йил амалда бўлиши лозим эди.

Кустанай Нодавлат ташкилотлар ассоциацияси асосан кичик бизнесни ривожлантириш муаммолари билан шуғулланган.

# Фаолияти вақтинча тўхтатилди

***«Хьюман райтс уотч» (HRW) ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти Россиядаги фаолиятини вақтинча тўхтатди, деб хабар тарқатди Би-би-си.***

ТАШКИЛОТ вакилларининг маълумотларига кўра, улар маҳаллий ҳокимият белгилаган муддатда қайта рўйхатдан ўтишга улгурмаган. HRW белгиланган муддат ичида рўйхатдан ўтиш «муолажала«сини уддалай олмаган ўнлаб нодавлат ташкилотлардан биридир. «Хьюман райтс уотч» тез орада рўйхатдан ўтиш жараёнини поёнига етказиш ниятида. Ташкилот вакилининг айтишича, улар октябрь ойининг охиридаёқ Россия маъмурларини ўз иш режалари ҳақида хабардор қиладилар. Бинобарин, миллий манфаатларга мос келмайдиган ҳар қандай фаолият тақиқлаб қўйилиши мумкин.

**Интернет материаллари асосида Расулжон МАҲМУДОВ тайёрлади.**

Спорт

# МАЙДОНДА ЖУРНАЛИСТЛАР

***Кеча пойтахтдаги «Истиқлол» болалар спорт мажмуасида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида мини-футбол бўйича турнирга старт берилди.***

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ**

ЎЗБЕК футболи фидойиси, яйпанлик Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган мазкур анъанавий мусобақа жорий йилда иккинчи бор ташкил этилиб, журналистлар «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари совврини учун майдонга тушдилар.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишни мақсад қилган турнирда бу йил 20 та жамоа ғолиблик учун тўп сурадилар.

Мусобақа иштирокчилари тўртта гуруҳга бўлиниб: *«А» гуруҳида* «Маърифат», «Халқ сўзи», «ЎзТВ», «ЎзДЖТУ», «Ўзбекистон НМИУ» жамоалари; *«В» гуруҳида* «ЎзМТРК», «Янги аср авлоди», «Туркистон-пресс», «Туркистон», «Хонадон» жамоалари; *«С» гуруҳида* «Ўзбекистон футболи», «Шарқ НМАК», «Ватанпарвар», «Ўзбекистон овози», «Садо FM»; *«D» гуруҳида* «Наврўз», «Ишонч», «Ёш куч», «Тошкент ҳақиқати», «XXI аср» жамоалари ўзаро беллашадилар.

Мазкур турнирда биринчи ўринни эгаллаган жамоа 1,5 млн. сўм; иккинчи ўрин эгаси 1 млн. сўм; учинчи ўринга 700 минг сўм ва ниҳоят тўртинчи ўрин соҳиби 500 минг сўм пул мукофотлари ҳамда медаллар билан тақдирланадилар. Шунингдек, турнир ҳомийлари томонидан яна 11 та номинация бўйича 150 минг сўмдан ҳамда мусобақани энг яхши ёритган 9 нафар журналист 100 минг сўмдан пул мукофотлари билан рағбатлантирилади.

Кеча 2-анъанавий хотира турнирининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Муросасиз ва қизғин ўйинларда қуйидаги жамоалар ўзаро учрашиб, илк ғолиблар аниқланди: «Маърифат» — «Ўзбекистон НМИУ» **5:0**, «ЎзМТРК» — «Хонадон» **3:0**, «Ўзбекистон футболи» — «Садо FM» **4:3**, «Наврўз» — «XXI аср» **5:0**, «Халқ сўзи» — «ЎзДЖТУ» **4:1**, «Янги аср авлоди» — «Туркистон» **2:6**, «Шарқ НМАК» — «Ўзбекистон овози» **2:1**, «Ишонч» — «Тошкент ҳақиқати» **3:1**.

Ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар 2 ноябр куни ўтказиладиган чорак финал учрашувларига йўл оладилар. Ғолиблар ярим финалда баҳс юритади. Учинчи ўрин учун 3 ноябр куни ўйин ўтказилса, финал беллашуви 5 ноябрда бошланади. Демак, асосий ўринни қўлга киритиш учун жамоалар астойдил тер тўкишларига тўғри келади. Чунки бу турнирда кучсиз жамоанинг ўзи йўқ.

# УЗУМНИНГ ХОСИЯТИ

Биласизми?

***Ҳозир юртимизда айни тўкинчилик фасли. Олтин кузнинг олтиндай товланувчи узумларига боқсангиз кўзингиз яшнайди. Зеро она Ўзбекистон боғларининг бебаҳо неъмати бўлмиш узум дастурхонимиз зийнатидир. Унинг таркибида калий моддаси кўплиги учун, у юрак мушаги тонусини оширади. Шу сабабли узум юрак-қон томир касалликларида жуда фойдалидир. Бундан ташқари, узум тўқималарнинг кислородни ўзлаштиришини яхшилайди.***

**Вилоят ЖЎРАБОЕВА**

УЗУМ ичак фаолиятини яхшилайди. Лекин уни ошқозон-ичак касалликларида қўллаб бўлмайди.

Узум таркибида глюкоза ва калий тузлари кўп. Шу сабабли у пиелит, цистит, уретрит каби хасталикларни даволашда кўп қўлланилади. Лекин сурункали буйрак етишмовчилиги натижасида келиб чиққан калий алмашинуви бузилишида узумни беморга бериб бўлмайди.



Узум диатез, подогра хасталикларида ҳам тавсия этилади. Узум таркибида 18-30 фоизгача глюкоза бўлганлиги сабабли уни қандли диабет билан оғриган ҳамда семиришга мойил беморларга бериб бўлмайди.

Узумнинг «Мускат» ва шу каби хушбўй ҳидли навлари балғам кўчириш хусусиятига эга. Шунинг учун уларни сурункали бронхит ва томоқ оғриғи хасталикларида тавсия қилиш мумкин. Узум қон ишлаб чиқариш аъзолари ишини яхшилайди. Камқонликка қарши кенг қўлланилади. Соғлом киши кунига 500-600 грамм узум истеъмол қилиши мумкин.

# ВАКИЛЛАРИМИЗ ЧАККИ ЭМАС

***Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида шашка бўйича 18 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида биринчи Бутунжаҳон олимпиадаси ниҳоясига етди.***

УНДА иштирок этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси кумуш медални қўлга киритди. Қизларимизга эса учинчи ўрин насиб этди.

**"Туркистон-пресс".**

# ОБУНА — 2007

## *“Жамият”— Сизнинг газетангиз!*

**Азиз муштарийлар!**

**Халқимизда “Бир кўрган — таниш, икки кўрган — билиш”, деган пурмаъно ҳикмат бор. Демоқчимизки, қисқа фурсат ичида бир-биримизни анча-мунча таниб, билиб олишга улгурдик. Янги нашрнинг мақсад ва муддаолари билан ҳам яқиндан танишдингиз. Кўнглингизда “Жамият” ҳаммабоп газета эканлигига ишонч учқунлари пайдо бўлганини сезиб турибмиз. Бизнинг мақсадимиз — Сизлардаги ана шу ишончни мустаҳкамлаш, газетани том маънода, севимли нашрингизга айлантиришдир!**

**“Жамият” бошқа нашрлардан нимаси билан фарқланади, деган савол туғилиши, табиий. Энг аввало, у теварак-атрофингизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаб олиш, жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, шу билан бирга, унинг фаол иштирокчиси бўлишингизга яқиндан кўмаклашади.**

**Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидлаймиз: “Жамият”– Сизнинг газетангиз! Унга обуна бўлишни унутманг!**

**Нашр индекси – 131**

**МУАССИСЛАР**

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
“Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**

Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ
Шарбат АБДУЛЛАЕВА
Раъно ЗАРИПОВА
Худоёр МАМАТОВ
Гулнора МАРУФОВА
Қиём НАЗАРОВ
Фозилжон ОТАХОНОВ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБАЕВ
Шоира УМАРОВА
Маъруфжон УСМОНОВ
Нозим ХАБИБУЛЛАЕВ
Жамолиддин ҲАКИМОВ
Алишер ШАЙХОВ
Баҳодир ЭРГАШЕВ
Соҳибжон ҚОБИЛОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Беҳзод ҲОТАМОВ

**БОШ МУҲАРРИР**
**Сирожиддин РАУПОВ**

**НАВБАТЧИ МУҲАРРИР**
Норбобо ШАКАРОВ

**ДИЗАЙНЕР**
Акбар ИСМАИЛОВ

**МУСАҲҲИҲ**
Аслиддин САТТОРОВ

**НАВБАТЧИ**
Элмурод ЭГАМҚУЛОВ

«Шарқ» нашриёт акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.
Буюртма рақами Г-1279 Тираж: 2000

Газета "Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журналининг ҳафталик иловаси.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 503-рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Ўзбекистон шоҳкўчаси 45 уй.
Маълумот учун телефонлар: 132-60-98, 132-60-74.
Электрон почта: jamiat@mail.ru
«Жамият» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Topshirildi — :0.30.